

Суд хулосасининг асослангирлмаганлиги суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.

З.Холимова ва А.Ҳусанова судга Касб-хунар коллежига нисбатан ишга тиклаш ва мажбурий прогул вақти учун иш ҳақи, моддий ва маънавий зарарларни ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан муурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2010 йил 29 июндаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлангирлиб, мажбурий прогул вақти учун жавобгардан З.Холимова фойдасига 1.083.893 сўм, А.Ҳусанова фойдасига 1.022.663 сўм иш ҳақи ҳамда маънавий зарар учун 200.000 сўмдан пул ундирилган. Даъвонинг қолган қисми рад этилган.

Вилоят суди кассация инстанциясининг 2010 йил 13 августдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, З.Холимова ва А.Ҳусанова Касб-хунар коллежида рус тили фани ўқитувчиси лавозимида ишлаб келган. Коллеж директорининг 2010 йил 15 апрелдаги 69/К-сонли буйруғига биноан улар сабабсиз иш жойини ташлаб кетганликлари ва текширувда иш жойларида бўлмаганликлари сабабли улар билан меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига кўра бекор қилинган. Мазкур ҳолат коллеж касаба уюшмаси раиси ва ўқитувчиларининг 2010 йил 19 апрелдаги йиғилишида муҳокама қилиниб, улар билан меҳнат шартномаларининг бекор қилиниши ўрнига бошқа интизомий жазо тайинлаш таклиф қилинган.

2010 йил 23 апрелдаги 75/К- сонли буйруққа асосан коллеж директорининг 2010 йил 15 апрелдаги буйруғи бекор қилиниб,

даъвогарларга интизомий жазо (хайфсан) берилган. Бу ҳақда хабарнома 2010 йил 18 майда почта орқали юборилиб, даъвогарларга 19 майда топширилган. Шунга қарамасдан, даъвогарлар ҳал қилув қарори чиқарилгунга қадар ишга чиқмаганлар.

Меҳнат кодексининг 275-моддаси 3-қисмига кўра, меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганлиги, бошқа ишга ғайриқонуний равишда ўтказилганлиги ёки ишдан ғайриқонуний равишда четлатилганлиги оқибатида келиб чиққан мажбурий прогул вақти учун ходимга ҳақ тўлаш тўғрисидаги меҳнат низоларини кўриб чиқиш чоғида меҳнат низоларини кўрувчи орган томонидан ходимнинг пул ундиришга доир талаблари бир йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун қондирилади.

Суд даъвогарлар хабарномани олганларидан кейин ҳам ишга чиқмаганликлари сабабларига ҳуқуқий баҳо бермасдан, уларни жавобгар ишга қўймаганлиги тўғрисида етарли асослар бўлмаса-да, хабарнома олганларидан бошлаб 2010 йил 30 июнгача бўлган вақт учун даъвогарлар фойдасига иш ҳақи ундириш ҳақидаги хулосаларини асослантормаган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 10 январдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг ажрими қисман бекор қилиниб, фуқаролик ишининг иш ҳақини ундириш қисми янгидан кўриш учун шу инстанция судига юборилган.

ФСХ-25-11-сонли ажрими